



# ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА РАЦИОНАЛЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*A.Азизқулов, A.Алимов,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

**Аннотация:** Уибу мақолада Ҳусайн Вониз Кошифийнинг илмий меросида ахлоқий қараашлар ва тамойилларниң хусусияти илмий методологик жиҳатдан таҳлил этилади. Мақолада алломанинг ахлоқий қараашларида рационаллик хусусиятининг моҳияти ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Марказий Осиё, Ҳусайн Вониз Кошифи, ахлоқ-одоб, тамойил, рационаллик, илмий мерос, фалсафий методологик таҳлил, шарқона этикет.

**Аннотация:** В статье с позиций норм и требований научной методологии анализируется природа и интенция этического учения в философском наследии Хусейна Ваиз Кашифи. Особое внимание уделено раскрытию рационального подхода к моральным нормам, содержащимся в этическом учении мыслителя.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, Ҳусайн Ваиз Кашифи, этика, моральный принцип, рациональность, научное наследие, методология, восточный этикет.

**Abstract:** The article analyzes the nature and intention of ethical teaching in the philosophical heritage of Hussein Vaz Kashifi from the standpoint of the norms and requirements of scientific methodology. In the article, special attention is paid to the disclosure of a rational approach to the moral norms contained in the thinker's ethical teaching.

**Key words:** Central Asia, Hussein Vaz Kashifi, ethics, moral principle, rationality, theoretical heritage, methodology, Eastern etiquette.

Инсоният тамаддунининг илк ўчоқларидан бири сифатида эътироф этилаётган Марказий Осиё башарият маънавий тараққиётида ўзининг нодир асарлари билан beminnat хизмат қилган кўплаб алломаларни этиштириб берди. Қомусий мутафаккир алломаларимиз илм-фан ва маданиятнинг барча соҳалари бўйича улкан мерос қолдириб кетдилар. Айниқса, аждодларимиз томонидан шарқона одоб-ахлоқ фалсафасига оид ёзиб қолдирилган ноёб асарлар хориж олимлар томонидан ҳамон юқори баҳоланиб келинмоқда. Ахлоқ фалсафасига оид мукаммал асар яратган алломалардан бири Ҳусайн Вониз Кошифийдир.

Аллома илмий меросида ахлоқ фалсафаси муҳим аҳамият касб этади. Алломанинг барча асарларида шарқона ахлоқ одоб этикетларини тарғиб этишга катта аҳамият қаратади. Унинг ахлоқ фалсафасини баён этишида рационаллик тамойилига таяниши илмий меросидаги ютуқдир. Ҳусайн Вониз Кошифийнинг фикрича киши ўзининг ахлоқий фазилатларини доимо такомиллаштириб бориши керак, яъни ақл, фаросат ва идрок орқали ўз-ўзини тарбиялаб бориш лозими. Аллома буни қуидагича ифода этади: “Зоро, инсоннинг рухини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамда хулқ-атворли, фазилатли қилиб этиштириш мумкин».[1:16 ]. Шунинг учун ахлоқ одоб қоидалари баён этилган асарларида ахлоқий фазилатни тушунтирас экан кишиларни ҳар бирини ахлоқий фазилатларни ўзида тарбиялаб боришга ва мазкур фазилатларга қарши бўлган иллатлардан ҳалос бўлишга чакиради.

Унинг салмоқли илмий мероси орасида ахлоқ фалсафасига оид «Ахлоқи Муҳсиний» асари алоҳида аҳамият касб этади. Асарни Шарқ ахлоқ фалсафасининг нодир дурдонаси деб баҳолаш мумкин. Кошифий мазкур асарида ахлоқ одоб мавзусида яратилган кўплаб асарларни чуқур таҳлил этиб, ўзининг хуносалари билан мазмунан бойитади.

Мазкур асар 1495 йилда ёзилган бўлиб, Ҳусайн Вониз Кошифий Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғли, Марв ҳукмдори Абдумуҳсин Мирзога (1472-1507/08) бағишлиб ёзган[2:122]. Кошифий шаҳзода Абулмуҳсин фаолиятига ижобий баҳо беради, унинг тимсолида идеал ҳукмдорни қўради. Асарнинг ёзилиш сабабини изоҳлар экан, шаҳзода Абулмуҳсиннинг ижобий ахлоқий хислатларига таҳсин айтиб, «мулозимларнинг яхши хулқи ва мақбул хислатларидан бир неча калимани баён варагига ёзишни ҳоҳладим. тики ўзга подшоҳлар авлодига ибратнома ва дастуриламал бўлсин. Шундай хаёл билан бу рисолани номини «Ахлоқи Муҳсиний» деб ёзишга қарор қилдим»[1:132 ]. Асарнинг 40 бобдан иборат





эканлигини эса қўйидагича излайди: «Подшоҳ 40 та хислатга риоя қилиши зарур бўлиб, улардан айримлари подшоҳ билан Ҳақ (пок ва олий) ўртасида, баъзилари подшоҳ билан халқ орасида бўладиган сифатлардир. Бу 40 та сифат рисоланинг 40 та бобида муншийлар тақаллуфидан ҳоли тарзда баён этилган. Ҳар бир бобда одамлар хулқи ҳакида ўз вақтида эшитилган ва ёзиб олинган ривоят ва шунга муносиб ҳикоятлар келтирилган» [1.134].

Бу 40 та бобда қўйидаги ибодат, ихлос, дуо қилиш, шукр, сабр, ризо, таваккул, ҳаё, покизалик, адаб, олийхимматлик, бир ишга аҳд қилиш, жидду жаҳд, сабитқадамлик,adolat, авф, ювошлик, чиройли хулқ ва мулоийимлик, шафқат ва марҳамат, ҳайрат ва яхши ишлар, жуди саховат ва эҳсон, тавозе, омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик, ҳожат раво қилиш, оҳисталик ва шошилмаслик, кенгаш қилиш, андиша қилиш ва ҳар иш охирини кўзлаш, шижоат, ғайрат ва ҳамият, сиёsat, бедорлик ва огоҳлик, фаросат, сир сақлаш, фурсатни ғанимат билиш, хуқуққа риоя қилиш, яхшилар билан билан ҳамсуҳбат бўлиш, ёмон кишилардан йироқ юриш, мулозимлар тарбияти ва одоби каби мавзуларни ёритишга ҳаракат қилинган. Ҳусайн Воиз Кошифий бу 40 та хислатларни инсон фаолиятидаги аҳамиятини асослаб берар экан, ҳар бир ҳукмдорни бу хислатларга эга бўлишга чакиради. Баён этилган хислатлар фақат ҳукмдорлар учун эмас, балки ҳар бир фуқаро учун ҳам зарур жиҳатлар бўлганлиги, мавзулар қизиқарли ва ибратли ривоят ва ҳикоятлар билан баён этилганлиги боис Шарқнинг энг машҳур панд насиҳат мавзусидаги ахлоқий қомуснома сифатида барча севиб мутаола қиласидан асарлардан бири бўлган.

«Ахлоқи Муҳсиний» асарида баён этилган барча мавзулар кишини яхши хулқка чорлагани ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилганлиги боис ҳар бир ўқувчида катта қизиқиши уйғотади. Шахс мъянавиятида шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён этилиб, ҳаё, покизалик, олийхимматлик, сабитқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлари зарурлигини уқтириб ўтади. Шижоат, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Ҳусайн Воиз Кошифий ўқувчини фаросатлиликка, сир сақлашлик, хуқуққа риоя қилишлик, доимо яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишликка ва ёмон ишлардан йироқ бўлишга чакиради. Ҳусайн Воиз Кошифий мазкур асарида ҳар бир мавзуни ёритишда “Куръон” оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан чекланмайди, балки, Шарқ халқларининг буюк мутафаккирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Баҳоуддин Нақшбандларнинг назмларидан лавҳалар келтиради.

Шунингдек ҳар бир мавзунинг моҳиятини ёритишда ибратли ривоятларни келтириб ўтади. Ривоятларда кўпинча турли хил миллат ва дин вакилларидан иборат тарихий шахслар ва улар ҳаёти давомида (баён этилаётган мавзуга оид) содир бўлган воқеалар ибрат тарзida баён этилади.

Ҳусусан, Афлотун, Арасту ва Миср, Рум, Форс ҳукмдорлари ҳамда вазирлари билан боғлиқ ҳикоялар асарда ўрин олган. Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» асарида баён этилган барча мавзулар кишини яхши хулқка чорлагани боис ҳар бир ўқувчида катта қизиқиши уйғотади. Мавзуларда шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён этилиб, ҳаё, покизалик, олийхимматлик, сабитқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлар тарғиб этилади.

Шуниндек, Кошифий киши фаолиятида чиройли хулқ ва мулоийимлик фазилатларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиласиди. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар ҳусусида батафсил тўхталиб ўтади. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалилик каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этади. Шижоат, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади ва ўқувчини фаросатлиликка, сир сақлашлик, хуқуққа риоя қилишлик, доимо яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишликка ва ёмон ишлардан йироқ бўлишга чакиради.

Ҳусусан, «Ахлоқи мухсиний» асарида баён этилган барча мавзулар кишини яхши хулқка чорлагани ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилганлиги боис ҳар бир ўқувчида катта қизиқиши уйғотади. Мавзуларда шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён





этилиб, хаё, покизалик, олийхимматлик, событқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлари тарғиб этилади.

Шуниндек, Кошифий киши фаолиятида чиройли хулқ ва мулоимлик фазилатларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиласди. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар хусусида батафсил тўхталиб ўтади. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалик каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этади. Шижаот, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Кошифий ўқувчини фаросатлиликка, сир сақлашлик, ҳуқуққа риоя қилишлик, доимо яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишликка ва ёмон ишлардан йироқ бўлишга чақиради. Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг аксарият асарларида шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини тарғиб қиласди. Ҳусусан, “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг асосий ғояси инсон фаолиятида яхши хулкни тарғиб этишдан иборатдир. Асар муқаддимасида бу хусусида аллома шундай ёзади: ”Ҳакимлар чиройли хулқ шундай бир йўлки, бу йўлдан юрмай туриб, иззат ва шариф манзилига этиб бўлмайди ва бу йўлга қадам қўймай туриб вужуд раҳтини ҳайвонот биёбонидан инсоният дорил мулкига этказиб бўлмайди, дейдилар....Одамларнинг қай бирларида чиройли хулқ ва ёқимли хислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо қўринадилар” [1:129]. Кошифийнинг мазкур асарида, асосан, кишиларнинг ижтимоий фаолиятидаги ахлоқий фазилатларнинг фалсафий таҳлили ишлаб чиқилган.

Хулоса қиласидан бўлсанк, аввало, Марказий Осиё ҳалқлари юксак даражадаги ахлоқ-одоб ва муомала этикетига эга бўлган. Иккинчидан, Ҳусайн Воиз Кошифий рационаллик тамоили асосида шарқона этикет одобларини назарий жиҳатдан асослаб бера олган. Учинчидан, аллома илгари сурган шарқона этикет қоидалари бугунги ахборотлашган жамият босқичида баркамол авлодни тарбиялашда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқий Муҳсиний. Тошкент, 2011.
2. Абдуҳалимов Б. Ахлоқий меросимиз ва китобат санъатининг ноёб намунаси/ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи Муҳсиний.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011. Б-122.
3. Маҳмудов Р. Ҳусайн Воиз Кошифий // Маънавият юлдузлари. -Т., 2001.
4. Маҳмудов Р. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий –ахлоқий қарашлари. Тошкент, “МУМТОЗ СЎЗ” 2015.
5. Азизкулов А. Нравственные философские взгляды Хусейна Ваиза Кашифи// Австралия, “Аусталиан Жоурнал оғ Эдусатион анд Ссиенсе” №1(17), Жануарий-жуне, 2016 “Сидней Университети Пресс” 2016/250-254
6. Азизқулов А. Ҳусайн Воиз Кошифий илмий меросида шахс маънавий юксалиш масалари// Ижодиёт ва маънавий юксалиш // Илмий мақолалар тўплами 2017.,Б- 73-79
7. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
8. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
9. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
10. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).

